



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 август, жума № 131 (1145)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Биз... замонавий, юксак технологиялар, энг илғор дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни қуриб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга эришсак, ҳисоб-китоблар шунга кўрсатадики, фақатгина пахта хомашёсидан оладиган соф фойда миқдорини етти-саккиз карра кўпайтириш ва ҳазинамизни экспорт ҳисобидан қаттиқ валоли билан тўлдириш, ҳаётимизни янада тўқ ва фаровон қилиш имкониятига эга бўламиз.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КАБУЛ-ФАРҒОНА КОМПАНИ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз юртошлар! Мухтарам меҳмонлар! Аввало, қадимий ва мўтабар Фарғона заминида туриб, барчангизни Фарғона тўқимачилик комбинати негизда хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда бунёд этилган, мана шу замонавий, кўзни қувонтирадиган, ҳашаматли ишлаб чиқариш мажмуасининг ишга туширилиши муносабати билан самимий табриклайман. Кадрли дўстлар! Бугун, ушбу тантанали маросимда қатнашаётган сиз, азизларингиз оқиб чекрангизга боқиб, шу комбинат тақдирини билан боғлиқ баъзи воқеалар беихтиёр ёдимга тушади. Фарғона тўқимачилик комбинатининг тарихи Ўзбекистон тарихи билан чамбарчас боғлиқ, десак ҳеч қандай хато бўлмайди. Яъни, Ўзбекистон яқин ўтмишда қандай йўللари босиб ўтган, қандай оғир ва мураккаб кунларни бошидан кечирган бўлса, уларнинг барчаси мана шу комбинат ва унинг меҳнат жамоаси тақдирини ҳам акс этган эди. Агар ўтмиш тарихимизга кўз ташлайдиган бўлсак, юртимизда қурилган, пахта толасини қайта ишлайдиган корхоналардан Тошкент ва Фарғона комбинатларини, кейинчалик улар қаторига қўшилган Андижон, Бухоро ва Намангандаги корхоналарни бармоқ билан санаш

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

шундай бизларни камситиш ва менсималик ҳолатларини эслаганда, бугун ҳам одамнинг кўнгли хира тортиб, диққати ошиб кетади. Бугун ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон собиқ Иттифок таркибидан бўлган пайтда Марказ учун арзон хомашё минтақаси бўлиб хизмат қилган. Бунинг яққол тасдиғини пешона теримиз билан ўстириб, «оқ олтин» деб ном олган пахтаимизнинг сувтекинга сотиб, фақатгина 8 фоизни қайта ишлаш учун ўзимизда қолдирилганида ҳам кўриш мумкин. Мен Фарғона тўқимачилик комбинатининг иш фаолияти билан илгаридан таниш бўлганим учун, кўпчилик қатори, «Қани энди, бу ерга ҳам тараққий топган давлатлардаги каби илғор технологиялар, замонавий ускуналарни олиб келсак, бизнинг қиз-жувонларимиз ҳам қўлай, озода, ёруғ биноларда ишлаб, қилган меҳнатларига муносиб ҳаёт кечирса, деб орзу қилар эдим.

Бундай эзгу орзу-умидларнинг ушалишига мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгани боис ўз бойликларимиздан ўзимиз фойдаланиб, ўз тақдиримиз ва ҳаётимизни ўз хоҳиш-иродамизга қараб қуриш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлганимиздан сўнг шарт-шароит пайдо бўлди. Эски мустабид тизим бизга мерос қилиб қолдирган бирёклама шаклланган иқтисодий ёнғунга ўзгартириш, уни ўз халқимиз манфаати учун, келажак авлодлар учун хизмат қилдириш йўлига ўтказиш, замон талабларига жавоб берадиган янги корхоналарни қуриш имкониятларини явуқда келди. Биз бу оғир меросдан халос бўлиш учун бугунги кунда фақат хомашё эмас, аввало, шу хомашёдан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотни хорижга сотиш ва шунинг ҳисобидан, би-

орзу қилар эдим. (Давоми. 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш, давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тар-

биялашга қўшган улкан ҳиссалари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон - «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 23 август



МУҲАМАДИЕВ Раҳман Оманович - Вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врачси, Сурхондарё вилояти



ПАК Вера Борисовна - Хива шаҳридаги 20-«Меҳрибонлик уйи» директори, Хоразм вилояти



МЎМИНОВ Қабул - Муборак газни қайта ишлаш заводи темирчиси, Қашқадарё вилояти



УТЕНИЯЗОВ Алланияз - Нукус тумани «Саховат» фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси



РИЗАЕВ Тожибой - Паркент тумани «Заркент» ширкати раиси, Тошкент вилояти

Камашдаги «Моик» акционерлик жамияти негизда Буюк Британиянинг «Carnill Investment Co LTD» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси тўзилди.

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШАДИ

У иш бошлагач, «Моик»нинг экспорт салоҳияти кескин ошади. Шу пайтга қадар корхонада бир йилда 2 минг тонна моик ишлаб чиқарилган бўлса, ҳамкорликнинг 1-босқичида бу кўрсаткич 5 минг тоннага етди. Кейинги босқичларда корхонага янги замонавий технологиялар ўрнатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва турини кўпайтириш кўзда тутилган.

Акционерлар йиғилишида жамият низоми жамғармаси 20 миллион сўмдан 67 миллион сўмга оширилиб, иккинчи эмиссия акцияларини чет эл инвесторларига сотиш режалаштирилган эди.

«Carnill Investment Co LTD» компанияси бу акцияларни ҳам сотиб олмоқчи, дейди жамият бошқаруви раиси Алишер Бекбўтаев. Агар ушбу битим амалга ошса, корхонага камида 42 миллион сўмлик инвестиция киритилади. «Моик»нинг молиявий аҳволи янада яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва нуфузини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, муҳофаза қудратини юксалтириш, сарҳадларимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, миллиятлараро дўстлик ва тотувликни қарор топтириш, жамоат тартибини ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ислохотларни амалга ошириш, ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш борасида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган ватандошларимизнинг меҳнатларини муносиб тақдирлаш мақсадидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан:

- 1. «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини таъсис этилиши.
2. «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансин («Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонини тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи илова қилинади).
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2001 йил 18 июл

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қ а р о р қ и л а м а н:

- 1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин: а) аёллар; б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар; в) ногиронлар ва жазони ўташга тўқсизлик қилган оғир касалликка чалинган шахслар; г) оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаролари.
2. Олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек эҳтисозлик орқасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.
4. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

- 5. Ушбу Фармон чиқарилган кунга қадар, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун ўн йилдан кам муддат қолган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.
6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.
7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин: а) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилгача муд-


- датга озодликдан маҳрум қилинганларга - ярмига; б) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмига.
8. Ушбу Фармон жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилмасин.
9. Мазкур Фармоннинг: а) 1-моддаси - жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми) жиноятини содир этган шахсларга; б) 3-6 моддалари - қуроллар ва гийҳвандлик воситалари билан қўнғун хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни со-

(Давоми. 2-бетда)

(ЎЗА)

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ, МЕН ЎЗИМНИ ТОПМАСАМ...

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир



Бир замонлар Буюк ипак йўли сайёҳлари бу гўшага кўниб ўтганлар. Табаррук заминга Навоий ҳазратларининг ҳам қадами етган. Илм-маърифат истаб Самарқанд сафарини ихтиёр этган шоир ўшанда бу саҳро бир кун келиб гулистон бўлишини, унда халқлар бахтиёр умр кечиршини орзу қилган бўлса, не ажаб. Мамлакатимиздаги бу катта вилоят бугун унинг номи билан аталмоқда. Навоийликлар миллатимиз ифтихори бўлмиш ул зотнинг 560 йиллик тўйига атаб улкан бог ва унда шоир сиймоси акс этган ҳайкал барпо этдилар. Илло шоир руҳи бугун ҳам элни уйғоқликка ва юксакликка даъват этмоқда.



ЭЪТИРОФ

Алишербек назари йўқ киши бий мероси асрлар оша халқ қалъиди. Туркий тил била то шеър ай-тубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқан эмас.

... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.

... Мунча бинийи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.

Заҳириддин МУХАММАД БОБУР.

... Бу улуғ амир дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир.

Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ.

Навоий жаҳон шоирлари даврасида ўз газалларини бор овози билан ўқимоқда. Замонамизнинг машҳур шоирлари унга таъзим қилиб турибдилар. Навоий ада-

бий мероси асрлар оша халқ қалъиди. Туркий тил била то шеър ай-тубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқан эмас.

... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.

Буюк Навоий ижоди ва фаолияти улуғ бир уммондир. Унинг тубига етиш ҳудуд бу буюк баҳрни дафъатан баҳолаш неча-неча авлодларнинг ҳам умрига татигуликдир...

Навоий идеаллари бир халқ, бир тил, бир қавм чегарасига сиймайди. Бу зотнинг ўғитлари жами инсон боласига, эс-ҳуши жойида бўлган тафаккур соҳибларига қаратилгандир. Шу боисдан ҳам ер юзининг турли пучмоқларида буюк Навоийни фақат илтифот юзасидан эмас, балки бабариятга меҳнати сингган зот бўлганлиги учун ҳам ардоқлаб турибдилар...

Абдулла ОРИПОВ.

Талаба мушоҳадаси

«ЎЗГАНИМНИ КЎНГИЛГА МАҲБУБ ЭТ»

Ҳазрат Навоий газалларини ўқиганимда ҳаргал қалбимга бир нур илашади, руҳим қувватланади. Ўзимни шунчаки оддий бир талаба эмас, балки Навоий авлоди, бебаҳо маънавий хазина меросхўри — вориси сифатида ҳис қиламан.

Навоий инсон қалбини тадқиқотчиси эди. Бу эса нафақат адабиётнинг, балки инсон умрининг моҳияти ҳисобланади. Навоийнинг умрбоқийлиги ҳам шунда.

Зеро, ҳазратнинг газаллари ўзлик бўлиб ўзини ўзинга танитади, маънавий камолот йўлидаги чироқ бўлиб яхшиликка, комилликка чорлайди.

Беш асрки, ана шу чироқ ва буюк чорлов халқимизни оғоҳ кўнгириги мисол бирликка, бирдамликка, ўзлигини англашга даъват этиб келади. Шунинг учун ҳам юртимизга қадим қўйган ғанимлар аввал ана шу чироқни ўчиришга, ана шу буюк чорловдан халқни узоқ тутишга уриндилар. Аммо Навоий ижоди илдизлари маънавий заманимиздан баҳра олган, миллат гурури ва фахрига айланган буюк чинор бўлиб қолаверди.

Хўш, бугун биз Навоий ворислари Ҳазрат боимизнинг маънавий меросларини қай тарзда тушуниб, идрок этаётимиз. Булажақ адабиёт муаллимаси сифатида мени ҳаммиса ана шу савол ўйлантиради. Бу борада «Ишонч» газетаси, «Ёшлар» телеканали эзгу ишни бошлади. Навоийшунос олимлар томонидан шоир газалларининг шарҳлаб борилиши Навоийни элга янада тушунарли қилади. Аммо ўқиб бошқача, ўқиб бошқача. Навоий бизнинг ўзлигимиз тисмоси, тафаккуримиз гулшани. Шу боис ҳам шоир ижоди, ҳаёти билан болаларни боғча ёшидан таништириб бориш даркор.

Бу таништириш шоир газаллари, рубоийларини болаларга шунчаки ёдлатиш тарзда эмас, балки ёш Алишернинг ахлоқий сифатлари, донишлиги, топқирлиги, ибрати жиҳатлари аста-секинлик билан таништирилиши керак. Бунинг учун Навоийнинг болалиги, улуғ алломалар Шарофиддин Яъдид, Лутфий билан учрашуви, ул зотларнинг эътирофлари ҳақида жажжи хикоялар ёзилса, мультфильмлар яратилса, уларда шоирнинг ҳикматли сўзларидан фойдаланилса, мақсада мувофиқ бўлар эди. Токи, болалар учун Алишернинг фазилатлари ибрат мактаби, камолот йўли бўлсин.

Қолаверса, биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларга оз-оздан бўлса ҳам Навоий сабоқлари ўтиб бориlsa. Шунда бугунги 5-6 синф ўқувчиларидек улар шоир газалларини ўқиб, ўқишда қийналиб қолмас эдилар.

Бундан ташқари, Навоийни ўқитиш, ўрганиш учун адабиёт ўқитувчилари, бошланғич синф муаллимлари, боғча тарбиячилари ҳам алоҳида-алоҳида дастурлар, қўлланмалар ишлаб чиқилса, бу биринчидан ёшларимизни маънавий камолот сари бошласа, иккинчидан, донишманд болаларидек билимдон, комил инсон бўлиб етишишлари, Навоийнинг бетимсол сўз кудратини англашлари ҳам хизмат қиларди.

Шоира РАУПОВА,
Низомий номидagi Тошкент Давлат педагогика университетини талабаси.

ЧИН СЎЗ — ХАЛОСКОР СЎЗ

Буюк шоирлар абадиёт фарзандидурлар ва миллат, Ватан бор экан, умрлари асарларида давом топаверади. Шу боисдан ҳам мана беш юз йилдан зиёд мuddатки, Алишер Навоий халқимизнинг фахри, она тилимизнинг яловбардори, шеърятимиз мулкининг султони сифатида умр кечириб келмоқда.

Қадимда туркий халқларнинг фазилатлари тўғрисида баҳс юритган кўп олимлар уларни том маънодаги эрк ва хурлик тисмоси ўлароқ таърифлаганлар. Масалан, Шараф ал-Замон ал-Марвозий (1046-1120)нинг «Туркийлар хур инсонлардир. Улар ўз истакиродалари ва эрқларига ҳоким бўлиб, ҳеч бир миллатнинг ўз устларидан ҳукм юритишига йўл қўймайдилар», — деган сўзлари ушбу даъвонинг бир далилидир. Ёки Абу Усмон Амр бин Бахр ал-Жоҳиз «Фазоил ал-атроқ» деб номланган китобида бизнинг аждодларимиз учун ялтоқланиш, ялтироқ қалималарни қўллаш, гап ташиш, сохтакорлик, дўсту биродарларига нисбатан кибр, оқибатсизлик ёт нарсалар эканлигини таъкидлаб яна бундай дейди: «Туркийлар араблардан бошқа миллатлар орасида Ватан севгиси энг юксак бўлган қавмлардан. Чунки уларнинг вужудларида ўзга миллатлар соҳиб бўла олмаган даражада мамлакатларига, тупроқларига боғлиқлик, ўхшашлик ва садоқат бордир...». Демак, мумтоз адабиётимизда, жумладан, Навоий шеърятинида кенг ва теран тарзда талқин этилган хур ва эрксевар комил инсон ҳақиқатлари ёхуд фазилатларини фақат дин, тасаввуф ва тарикат мафураси билан чегаралаш тўғри эмас, албатта. Ҳинд, Юнон, Чин тушунча тизимидан фарқли ўлароқ туркий халқлар фикр ва тушунча даражасида миллат севгиси, мустақиллик ва тўғрилиқ устивор маъқени эгаллаган.

Зеро, Навоий нуқтаи назарида ҳам юрт ва миллат ишқи, Оллоҳ олдидаги масъулият ва тўғрилиқ шахс баркамоллигининг даҳлиси шартларидир. Навоий қаноат, ризо, ҳиммат, шижоат, виқор сингари нодир ва ноёб хислатларни алоҳида бир шахсиятнинг эмас, балки бутун халқнинг бойлиги, ҳатто мухофаза қалқони деб баҳола-

ган. Мана, бир шеърда Навоий нима дейди: **Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўла кўр, Десаңки, қилғай итот санга гадо ила шоҳ. Бу шева тоғда зоҳирдурки, даврондин, Қачонки тафриқа етти, улусга бўлди паноҳ.** Алишер Навоий миллат кўнглини майда ҳислар, ўткинчи даъволардан поклашга тўсиқлик қилувчи зулм ва зулмат кўркувидан фориғ бўлганлиги тўғрисида ҳам бунинг ижодий фаолияти давомида инсон эрки ва миллат мустақиллигини қўйлаган. Мана шунинг учун ҳам давлат мустақиллигига эришгач, том маъноси ила Навоийга яқинлаша бошладик. Навоий сўзларининг асл моҳиятини идрок этишга дадил интиладиغان бўлдик.

Ҳазрат Навоий фикри очик, имон-эътиқоди хасталик ва ожизликдан йироқ, руҳонияти соғлом, тўғрилиқ, ростлик ва ҳақиқатни умрининг туб асоси деб билган эл учун асарлар яратганлигини англаш бизни дунё ҳодисотларига янгича қараш, окни қорадан беҳато фарқлашга чорлаётирки, бу ниҳоятда хайридир.

Сўзда, Навоий, не десаңг, чин дегил. Мутафаккир шоир ўзи учун белгиллагани ана шу ахлоқий талаб ва ижодий шиоридан ҳеч қачон чекинмаган. Бу эса ўзининг кадр-қиммати билан, инсонийлик шарафини ҳис эта олган ҳар бир ўзбекини тўғри яшаш, тўғри сўзлаш, тўғрилиқ машаққатларига бардош бериб, шу эл, шу Ватан истиклоли ва истикболи учун масъул бўлишга илҳомлантириши шубҳасиздир. Зеро, Навоийни билиш — ўткинчи умрнинг ўткинчи ташвишлари, ёлғон ва сохта иддаолари, бемаъни тортишув ва олишувларидан ўзни муҳофаза айлаш демак. Бунинг ҳеч қачон хотирдан чикармаслик лозим.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори.

МУХАММАС

Кўз очар гулшанда гунча, булбул афгон айлагач, Нега афгон айлай, ул гул юзни тобон айлагач, Мисли ойким, кўрк очур сайри шабистон айлагач, Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач, Шаъм равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Нега ул кун сочларингни анбарафшон айладинг? Рўзигорим тийра, кўзим кавкабистон айладинг? Кўлга кўйгачму хинолар ё дилим қон айладинг, Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг, Ё юзингга теғди қонлар бизни қурбон айлагач.

Меҳр сўндиргач дилида, жонни сўзон айлади, Хуснини обод этиб, кўнглимни вайрон айлади,

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Сехр айлаб ошиқоро, банди пинхон айлади, Ошиқор айлаб юзин, кўзимни хайрон айлади, Ёшурун олди кўнгли, кўзимни хайрон айлагач.

Мен-ку содиқ маҳрам эрдим оғзи маҳкам, кўнгли пок, Ишқ сирин этмасдим ошқор бўлгунимча токи хок, Шафқат истаб нола қилдим, онт ичиб ёҳамни чок, Жонда кўйгоч нақди ишқин қилди кўнглимни ҳалок, Ўлдурур маҳрамни султон ганж пинхон айлагач.

Нолаю афгонинг, Эркин, дилбарингга етмади, Етса ҳам ё бемеҳр ёр зарра парво этмади, Битди кўп заҳминг ва лекин ишқ заҳми битмади, Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ этмади, Бас, нединким қон келур оғзингдан, афгон айлагач.



Икки пил ўлса Хусрав ё Низомий, Эрур юз пил чоғлиг пил Жомий.

Мухаббат жоми дурд ошмои улдуур, Ҳамоно Зинда пили Жомий улдуур. Алишер НАВОИЙ.

Бу қаламга (Навоий қалами) кўзда тутилган) фалақдан офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжиза-кор назм тарозиси қаршида Низомий киму Хусрав ким бўлди?!

Абдурахмон ЖОМИЙ.

Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд, Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десаңг биров бирла Қилай пайванд боре, қилмагил ноахл ила пайванд.

Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнглимни Топарсен уйла юз парқанду сол ҳар итга бир парқанд.

Эшитмай халқ пандин, турфақим панд элга ҳам дерсен, Қила олсанг эшитил панд, сен ким, элга бермак панд.

Бу фаний дайр аро гар шоҳлиг истар эсанг, бўлгил Гадолиг нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳоҳтаманд.

Бўлбү нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни, Сенга йўқ нафседек душман қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шакарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур, Гирифтор ўлма, воқиқ бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофин гар истасанг, бордур, Навоий боғи назми шакархонидида ул гулқанд.

Шарқ фалсафий тафаккури тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда ишқ-муҳаббат ва ахлоқдор масалаларининг бир-биридан айри эмас, балки ўзаро бир бутунликда талқин этилганлигининг гувоҳи бўлаемиз. «Ҳазойин ул-маоний»нинг «Ғаройиб ус-сигар» девонига киритилган ушбу газал панд-насихат руҳи билан сугорилгандир.

хулқингчалик эмас, чунки ҳеч вақт киши фарзанди бошқа бировга фарзанд бўлолмайди». Улуғ шоир бунда ахлоқни фарзандга ўхшатади. Бу ўхшатиш ахлоқнинг келиб чиқиши ва мавжудлик шакллари ҳақидаги Навоийнинг фалсафий қарашларига ҳам

«СЕН ЎЗ ХУЛҚИНГНИ ТУЗГИЛ...»

(Бир ғазал шарҳи)

ойдинлик киритади. Унга кўра, ахлоқ ҳам фарзанд каби орттирилади, тарбияланади, бинобарин, у кўп ё кам, яхши ё ёмон, етук ё тубан бўлиши мумкин. Иккинчи байтдан бошлаб Навоий етук ахлоқ эгасининг сифатларини бирма-бир санай бошлайди. Улардан биринчиси замоннинг «ноахл» кишилари билан алоқани узмоқдир: **Замон аҳлидин уз пайванд, агар десаңг биров бирла Қилай пайванд боре, қилмагил ноахл ила пайванд.** «Ноахл» сўзи бирор ишга алоқаси бўлмаган чет киши маъноси билдиради. Бу сўз остида шоир замоннинг маънавияти ноқис кишила-

рини назарда тутди. Улар билан алоқада бўлиш софдил кишига ранжу ситамдан бўлак нарса келтирмайди. Чунки бундай одамлар маънавият моҳиятидан беҳабар бўлиб, жамиятнинг оқилу доно кишилари ўй-фикр ва дардини тушунайдилар. Бу тоифа кишиларидан етади-

нинг хасмидир, инсонлик мақомига етган кишининг кўнгли эса улардан холи бўлмоғи лозим. Шоир девона кўнглининг коми — ёр васлаға етиш. Аммо у ишқда шу қадар етукки, ҳатто, ёрга етиш ораусини ҳам ишқ йўлидаги гуноҳ деб билди. Унингча, ҳақиқий ишқ

соҳибни ёрга етиш таъмасида бўлмаслиги даркор. Комил ахлоқ эгаси ўз нафсини мағлуб қилган инсондир. Ташқи душман билан курашиб уни енгиш эмас, балки нафс аждаҳосини жиловлаш ва уни мағлуб этиш ҳақиқий мардлик белгисидир: **Бўлбү нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни, Сенга йўқ нафседек душман қила олсанг ани қил банд.** Шарқ мутафаккирлари ақидасига кўра, нафс инсоннинг ўзлиги, унинг қуввати бўлиб, агар у жиловланиб, тўғри йўлга солинса, кишини маънавиятнинг юқори чўққиларига, руҳиятнинг олий мақомларига эл-

тиши мумкин. Тасаввуфда жиловланмаган, илк босқичдаги нафс «нафси аммора» покланган, сўнги (еттинчи) босқичдаги нафс эса «нафси комила» ёхуд «нафси софия» деб аталади. Навоийнинг нафс масаласини ахлоқ билан боғлиқликда талқин этиши ахлоқнинг инсон камолотидаги ахамиятини яна бир бор таъкидлайди, нафсини жиловлашнинг ягона воситаси ахлоқ эканлигини кўрсатади.

Кейинги байт шакарлаб гўзалларнинг ширин сулғуси сехрида уларга кўнгли бериб сўнг аччиқ йиғлаган ошиқ ҳолининг тасвирига бағишланган: **Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шакарханд.**

«Шакар» ва «аччиқ» сўзларини ўзаро зидлантириб шоир лирик қаҳрамон бошига тушиши муқаррар ҳолат тасвирини яққол гавдалантиради. Навбатдаги байтда Навоий жаҳон лаззатларини қайд (кишан) деб атайдиган ва дунё лаззатларининг ширин қиринишига ишонма, бу ёлғон, юзаки, ташқи ўхшашликдир, чунки қайд ва қанд сўзлари ҳам шаклан (ёзилишда) бир-бирига ўхшайдилар, моҳият-

да эса уларнинг бири кишан, бири лаззатдир, дейди:

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур, Гирифтор ўлма, воқиқ бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Мақтаъда эса Навоий фахрия йўсинида ўз шеърятига «боғи назми шакархониди» дея баҳо бериб, унда жаҳолат маразидан халос этадиган гулқанд мавжудлигини айтади: **Кўнгулдин жаҳл ранжи дофин гар истасанг, бордур, Навоий боғи назми шакархонидида ул гулқанд.**

Хулоса қиладиган бўлсак, Алишер Навоий ахлоқ ҳақидаги қарашлари қуруқ ваъзонлиқ, ақл ўргатиш бўлмай, балки бадийий услуб ва методология — дунёни фалсафий-бадийий идрок этишининг муҳим бир қисмидир. Кишилиқ дунёси катта бир бутунлик бўлса, ахлоқ ушбу бутуннинг улкан қисми, бинобарин, ахлоқни англаш кишилиқ олами идрок этишидир.

Нодир РАМАЗОНОВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидagi Тил ва адабиёт институти илмий ходими.

Касаба уюшма тадбири

БИР ОИЛА БЎЛИБ


жалб этди. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Фаргона, Тошкент вилоятлари вакиллари ва пойтахтлик хаваскор спортчилар иштирокидаги бахслар мурасиз тарзда ўтди. Зеро, голиблик учун кураш айна шу жамоалар ўртасида кечди ва мусобақалар по- нидан ҳам айнан шу ерда жойлашган. Маҳаллий аҳоли товар ва бошқа моддий бойликлар четга чиқиб кетишига қарши курашда божхоначиларга бажонидил ёрдам бермоқда.

К.Чиниқулова (Тошкент шахри), И.Цой (Самарқанд вилояти), Д.Давидхўжаева (Бухоро вилояти)лар 35 ёшгача бўлган стол теннисчилари голиб ва совриндорлари бўлишди. 35 ёшдан кекса иштирокчилар — бухоролик теннисчи Алиқасим Д.Шукурова, пойтахтлик Г.Маслова, Андижон вилояти вакили Г.Мальшевдалар ҳам спартакиаданинг хурмат шохсупасига кўтарилдилар.

Шахмат-шашка бахсларида М.Бахронова (Самарқанд вилояти) ва С.Тўхтаева (Бухоро вилояти)лар зафар кучган бўлса, оилавий мусобақаларда фарғоналик Топановалар оилавий жамоаси биринчилиكنи кўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида самарқандликлар биринчи, Фарғона вилояти вакиллари иккинчи ва бухоролик спортчилар учинчи ўринга муносиб кўрилди. Спартакиада якунида голиб ва совриндор жамоаларга тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо есдалик совғалари тақдим этилди. Шунингдек, «Энг интизомли

жамоа», «Энг кекса иштирокчи», «Энг ёш иштирокчи», «Энг яхши иштироки учун» номидаги махсус совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

О. КАМОЛОВ, «Ишонч» мухбири.



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ЮРТ МАДҲИ

Сайхунобод тумани «Пахтакор» жамоа ҳужалиги маданият саройида оилавий ансамбллар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг барча туманларидан оилавий ансамбллар иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг чиқишлари беш йўналиш бўйича баҳолаб борилди.

Айниқса, Гулистон туманидан Саидмурод (бахши) Гулмуродов оилавий ансамбл ижросидаги «Мустанкилик», «Она диёр, тўйинг мурчи» кўшиқлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бундан ташқари Сайхунобод туманидан Нуровлар, Меҳнатобод туманидан

Дадажоновлар, Оқолтин туманидан Юляхшиевлар, Сирдарё туманидан Мадалиевлар оилавий ансамбллари ижросида янграган куй-қўшиқлар ҳам томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинди.

Гулистон туманидан Гулмуродовлар оиласи биринчи ўринни, Сайхунобод туманидан Нуровлар оилавий ансамбли иккинчи ва Меҳнатобод туманидан Дадажоновлар оилавий ансамбли учинчи

Танлов

ўринни эгалладилар. Голиблар вилоят агро- саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Гулмуродовлар оилавий ансамбли Мустанки- лигимизнинг 10 йиллиги олдидан ўтказилган касаба уюшмалари вилоят Кенгазининг тар- моқлараро кўрик-танло- вига қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

М.ҚУРБОНОВ, Сирдарё вилоят агро- саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудир.

Спартакиада бахслари

Кўп соҳаларда бўлганидек мамлакатимиз солиқ тизими ходимлари ўртасида ҳам спорт тобора оммалашиб бормоқда. Яқинда Самарқанд шаҳрида соҳа ходимлари ўртасида бўлиб ўтган беллашувлар бундан яна бир бор исботлади. Мамлакатимиз мустанкилиги ҳамда Давлат солиқ хизмати ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этилган спартакиада бахслари гоят қизиқарли ва қизгин ўтганлиги билан кўпчиликл эътиборини жалб этди.

ТИЗИМДА БИРИНЧИ МАРТА

Спорт байрами дастуридан стол тенниси, кўл жанги, бешкураш ва миллий кураш ўрин олган бўлиб, унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри солиқ тизими жамоаларининг вакиллари қатнашдилар.

Таъкидга лойиқ жиҳат шуки, ушбу тизимда биринчи марта ўтказилган спартакиада мусобақаларида наманганлик солиқчи-спортчилар муваффақиятли иштирок этдилар. Жумладан, стол тенниси бўйича ўз гуруҳларида Тошкент, Фарғона, Навоий, Қашқадарё вилоятлари вакиллари мағлубиятга учратган Наманган вилояти теннисчилари финалда Андижон ва Бухоро вилоятлари жамоаларидан ҳам кучли эканликларини намойиш этдилар. Бу галабага Чуст туман солиқ инспекцияси ходимларидан Равшан Аюбов ва Шарофжон Сулаймоновлар айниқса катта ҳисса қўшишди. Шунингдек, бешкураш бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам вилоят вакиллари фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Наманган вилояти солиқчилари умумжамоа ҳисобида самарқандлик ҳамкасбларидан сўнг фахрли иккинчи ўринни кўлга киритдилар.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Сўнги устун хабарлари

«КИЧИК ИПАК ЙЎЛИ-2» АЛЬМАНАХИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Маданият ва санъат» дастури доирасида қатор янги наشرлар ҳам юзага келди. «Кичик ипак йўли-2» деб номланган тўпلام ҳам бу китоблар орасида алоҳида ажралиб туради.

80-90-йиллар Тошкент шеърини анталогияси сифатида чоп этилган мазкур бадиий нашрдан кўпгина шоирларнинг энг яхши ижод намуналари ўрин олди. Улар шеърини альманах янглиг китобхоналарга тортиқ қилинди.

Шуниси эътиборга сазоворки, «Очқўжамият кўмак институти — Ўзбекистон» жамғармаси сайёҳаракати билан янги анталогия босмага тайёрланди.

РАССОМНИНГ МУЗЕЙГА СОВҒАСИ

Таниқли мўйқалам соҳиби, Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов навбатдаги туркум асарларини яратди. Улар орасида «Ёқимли мусиқа». Анор гуллаганда» деб номланган пейзаж асари ҳам бор. Эшлик, баҳор, ижодни мадҳ этувчи бу картина атоқли рус шоираси Анна Ахматованинг Тошкентдаги музейга тўхфа қилинди. Гап шундаки, Тошкент трактор заводи давлат ҳиссдорлик жамияти маданият саройида, шоира Анна Ахматова ижодида бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Унда рассом Б.Жалолов ҳам иштирок этиб, ўзининг янги чизган пейзаж асарини музейга тортиқ қилди.

Бундан ташқари, шоиранинг Тошкентдаги ижодий фаолиятини ўзида акс эттирувчи нодир фотосуратлар ҳам музейга қўйилган бўлди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Дўст ачитиб гапиреди

ЙЎЛГА ЭЪТИБОРСИЗ — ЭЛГА ЭЪТИБОРСИЗ

Бу ҳол овул чорвадорларини ранжитмоқда «Авангард» — вилоят маркази Навоийдан 500 километр олисликдаги чорвадорлар овули. Тўғрироғи, ҳўжалик шу ном билан юритилади. Бу ерда 738 киши яшаб, ҳўжаликнинг 15 мингга яқин кўй-кўзисини парваришлайди. Агар хонадонларда аҳолининг ўзига тегишли 2000 бошдан ортиқ сиғир, туяю йилки, кўйларни кўшиб ҳисоблайдиган бўлса бу рақам аянам ошиб кетади.

Ҳўжаликда 180 ўқувчиси бўлган 4 та мактаб, қишлоқ шифохонаси мавжуд. Давлат бохжона пости ҳам айнан шу ерда жойлашган. Маҳаллий аҳоли товар ва бошқа моддий бойликлар четга чиқиб кетишига қарши курашда божхоначиларга бажонидил ёрдам бермоқда.

Боя айтганимиздек, уларнинг асосий касби чорвачилик. Ҳар йили янги-янги отарлар яратилмоқда. Биргина шу йил 6 та янги отар ҳисобига 12 кишига янги иш ўрни яратилди.

— Туман ҳокими ва вилоят Қорақўл трести раҳбариятига катта раҳмат, — дейди ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Нурулла Кониртаев. — Кўпдан бери одамларни қийнаб келаётган сув муаммосини ҳал этишга яқиндан ёрдам беришди. Анчадан буюн сув чиқмаётган қудуқда эрта-индин 1 миллион 800 минг сўмлик қазиви ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, чўл баргига яна оби-ҳаёт оқди.

— Тумандаги айрим мутасадди ташкилотлардан гинамиз ҳам йўқ эмас, — дейди фуқаролар Еркин Қўспанов, Суннет Кучеров ва Садирхон Умаралиевлар. — Оқбайталгача бўлган, бир пайтлар асфальт қилинган йўл «балансда йўқ» деган баҳона билан ўйдим-чуқур аҳволга келди. Учқудуқ автойўл бошқармаси бошлиғи Ҳўринбосар Ризоқулов бу ҳақдаги гапни ҳатто эшитини ҳам истамайди. Бунни-ку қўя турайлик. Ҳар кунни кўм кўчкиси босадиган Оқбайтал чуқурлигидаги йўлни тозалаш ҳудди шу бошқарма зиммасига тушган. Бунга етарли техника ҳам ажратилган. Лекин мана, бир ойдан ошди ҳамки, ҳафтасига овулга уч марта қатнайдиган автобусдан дарак йўқ. Йўл вақтида очилмагани учун ўтолмаяпти. Оқибатда одамлар оддий бир маълумотнома учун 200 километр келадиган туман маркази Учқудуққа, 2,5-3 минг сўмга такси ёллаб боришга мажбур бўлишмоқда. Бундай нохуш аҳволдан мутасаддиларнинг хабари йўқ, деб ўйлайсизми? Хабарлари бор. Фақат уларда ҳафсала билан меҳнаткашлар манфаатига қайшиш етишмаяпти, холос. Шунга қарамай, вилоят автойўли идорасидаги масъул ходимлар фуқароларнинг ҳақли талабларини ўрганадилар ва масалага адолатли нуқта қўядилар, деган умиддамиз.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ЁЗ ГАШТИ

маърифат бўйича ўтказилган тадбирларда гуруҳлар ўзаро мусобақалашдилар. Стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш, югуриш мусобақаларида, «Ватанимиз тарихини биласизми?», «Ашула ва рақс» «Ёш рассом» рукни остида ўтказилган беллашувларда болалар ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар.

Голибликни кўлга киритган иштирокчилар ўртасидаги иккинчи босқич мусобақалари Бўстонлик туманидаги «Келажак» оромгоҳида ўтказилди. Унда нафақат

Б.ХАЛИЛОВ, Тошкент вилоят агро- саноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.

Мухлислар мамлакат чемпионатининг 23-турда ҳам кўплаб голларнинг гувоҳи бўлишди. Уч учрашувда эса йирик ҳисоб қайд этилди. «Навбахор» — «Андижон» ва «Пахтакор» — «Самарқанд-Д» жамоалари баҳсида майдон эгаларининг жавобсиз учтадан тўп киритиб, ўз жамғармаларига муҳим очколарни ёзиб қўйганликлари тасодифий ҳол сифатида баҳоланмаса-да, «Металлург» жамоасининг ўз майдонида «Сўғдиёна» клубига ўйинни 0:4 ҳисобида бой бериши ҳар ҳолда жиддий мушоҳадага чорлайди.

Қолган матчларда ҳам энг камида дарвозаларга иккита тўп киритилди. «Семурғ» — «Нефтчи» — 0:2, «Кимёгар» — «Андижон» — 2:1, «Сурхон» — «Бухоро» — 2:2, «Насаф» — «Қизилқум» — 4:2, «Турон» — «Зарафшон» — 2:2, «Дўстлик» — «Трактор» — 2:3.

Кўриб турибсизки, биронта 0:0 ҳисоби йўқ. Агар аввалги турларга синчиклаброк разм соладиган бўлсақ, уларнинг аксариятида ҳам шунга ўхшаш ҳолни кузатамиз. Бунинг акси-ча, биз ҳар турда йирик ҳисобларга дуч келямиз, ҳатто бир ўйинда 7-8 талаб тўп дарвоза тўридан олиб чиқилаётирки, бу беихтиёр кишини ўйлантириб қўяди.

Тўғри, ишқибозлар чиройли дриблинг ва комбинацияларнинг самараси ўлароқ дарво-

тисно қилганда, барча командалар қўйиб юборган тўплар сони улар ўтказган учрашувлар сонидан кўпроқдир. Чамаси, мураббийлар дарвоза олдидаги истеҳкомга унчалик аҳамият бермай қўйган кўринадилар. Ҳисоб қандай бўлишидан қатъи назар

Демакки, баъзан 0:0 ҳам керак экан. Лекин бунга эришишнинг ўзи бўлмайди. Муттасил ва тинимсиз меҳнат қилиш, футболчиларда чидам ва матонат хислатларини тарбиялашни тақозо этади у. Бунда бизна Германия клублари, Италия терма жамоаси



ўрناق бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда 4:2 дан кўра 2:0 ҳисоби голиб жамоада барча чизиклар мустаҳкам асосга қурилганлигини англатади. Мураббийларимиз ва футболчиларимиз бундан қанча тез тушуниб етсалар, шунча яхши бўларди.

СЕРМАҲСУЛ ТУРЛАР

мулоҳазага чорлайди

23-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Table with columns: ЖАМОАЛАР, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. Rows list teams like 1.«Нефтчи», 2.«Насаф», etc.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жориа Алимуҳаммадова, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.